



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 23 октябрь, № 207 (5881)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

2013 йил 22 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари кўриб чиқилди ҳамда 2013 йил 18 январда республика Хукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан белгиланган берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари, энг аввало ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технология жihatдан янгиланиш жадваллаштириш ва кенгайтириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳисобига иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳамда иқтисодий тармоқлари ва соҳалари фаолиятини диверсификациялаш, шунингдек, аҳоли бандлигини, ҳаёти даражаси ва сифатини изчил ошириш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, жаҳон иқтисодиётида муаммолар кучайганлигига ва унинг ўсиш суръатлари секинлашганлигига қарамай, мамлакатни иқтисодий ислох қилиш ва модернизациялашнинг чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дастури тизимли ва изчил амалга оширилиши тўғрисида Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини сақлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида мамлакатнинг ялли ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари — 9,4 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари — 15,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари — 6,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажмлари — 14,7 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажмлари — 12,4 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялли ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Инвестиция сисёти фаол амалга оширилиши инвестиция муҳитини такомиллаштириш чора-тадбирлари билан биргалликда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 12,5 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестицияларнинг — 12,4 фоизга ўсишига кўмаклашди. 2,2 мингта янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, 60 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тугалланди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг ҳисоблаб чиқилган экспортнинг ўрнини босиш самараси 4 млрд. АҚШ доллари миқдордаги 39,7 фоизга ўсиши таъминланди.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлидаги маъмурий тўсиқларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш йил босқичида буён 21,2 мингта янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этишга, кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини 15,2 фоизга ўстиришга ва ушбу секторнинг мамлакат ялли ички маҳсулотидagi улушини 51,2 фоизгача кўпайтиришга кўмаклашди.

Аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ишчи яхшилаш бўйича "Обод турмуш йили" Давлат дастури тадбирларини фаол амалга ошириш таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди. Дастур тадбирларини молиялаштиришга барча манбалар ҳисобига 5,6 трлн. сўмга яқин маблағ ва 250 млн. АҚШ доллари йўналтирилди.

Мажлисида 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури амалга оширилишининг бориши муҳим устувор вазифа сифатида батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 2013 йилнинг ўтган 9 ойида 833,4 мингта янги иш ўринларини ташкил этиш таъминланди, улардан 488 мингтадан ортиғи ёки 58,6 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Муҳокама давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш таъминлаш бўйича ишларни ташкил этишда йўл кўйган камчиликларни учун республиканинг бир қатор туманлари ҳокимларининг фаолияти қаттиқ танқидий муҳокама қилинди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, тижорат банклари, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарлари олдида аҳоли бандлигини таъминлаш ва кўшимча янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди. Бунда етакчи тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобига замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шунингдек, банкорт корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва янги иш ўринлари яратиш учун инвестицияларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Мажлис кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2013 йил 8 августдаги ПҚ-2022-сон қарорига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини рағбатлантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ишларининг ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар — экспорт қилувчилар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, улар маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш юзасидан амалга оширилган таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида, экспорт қилинадиган маҳаллий маҳсулотларнинг асосий турларига нархлар ноҳуш ўзгариб туришига қарамай, шу йилнинг ўтган 9 ойида экспорт ҳажми 13 фоизга ўсганлиги ва ташқи савдо айланмасининг катта ижобий салъоси таъминланганлиги қайд этилди. Йил босқичида буён олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 469 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди. Экспортнинг умумий ҳажмида минтақавий корхоналарнинг улуши икки мартага кўпайиши таъминланди. Экспортнинг умумий ҳажмида кичик бизнеснинг роли ва аҳамияти барқарор ўсиб бормоқда. Унинг улуши 2012 йилнинг шу давридаги 13,5 фоиз ўрнига 19,1 фоизгача ўсди.

(Давоми 2-бетда).



Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг кўлами ниҳоятда кенг. Бу даврда рўй берган янгиланишлар мазмунини абадиётга дахлдор.

МАЪРИФАТ ЭЪЗОЗИ



Хусусан, ўзида миллий ва замонавий меъморчилик аъёнларини мужассамлаштирган бетакорор бино ва иншоотлар, муаззам майдонлар, равон йўллар, маҳобатли кўприклар, кўркам уй-

жойлар юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Чунончи, давлатимиз раҳбари ташаббуси ва гоёси асосида пойтахтимиз марказида бунёд этилган "Маърифат маркази" бунинг яққол

тадқиғи бўла олади. Мазкур мухташам мажмуадан Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олган. Кошонанинг деворларидаги сержило нақшлар,

маҳобатли мрамар устунлар, мовий гумбаз кишига ҳайрат, завку бағитмас-туганмас илҳом бағишлайди.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар "OIC Today" журналининг маълумотида

Яқинда Малайзияда инглиз тилида нашр қилинадиган "OIC Today" журналининг маълумотида Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар маълумоти бағишланган мақола чоп этилди.

ЭЪТИРОФ

"Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини янада ислохот қилишнинг асосий йўналишлари" сарлавҳали мақолада бу соҳадаги ислохотлар мамлакатимиз мустақил ривожланиши йиллари давомида давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолгани таъкидланади. Нашр юртимизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг биринчи босқичи 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган муддатни қамраб олганини қайд этар экан, ушбу давр мобайнида суд-ҳуқуқ тизими ўзгаришларининг миллий стратегияси белгилангани ҳамда унинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилгани маълум қилади. "Шунингдек, бу давр оралиғида судларнинг иштирослашуви амалга ошгани баробарида, суд ҳокимия-

ти ўз ваколатини қонунга мувофиқ равишда ҳаётга татбиқ этадиган давлат ҳокимиятининг кучли тармоғи сифатида тасдиқлангани юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди", деб ёзилади журналда. Мақола муаллифининг фикрича, 2000 — 2010 йиллар суд тизимининг институционал мустаҳкамланиши ва айниқса, иқтисодий соҳасидаги жиноий жазоларнинг либераллашуви даври бўлди. "Шу тарихи ярашув институти жорий қилиндики, унча катта бўлмаган жиноятни содир этган шахсини жиноий жавобгарликдан ҳамда судланганлик оқибатларидан озод қилади. Мазкур институтининг қўлланилиши натижасида 131 миң нафардан зиёд фуқаро жиноий жавобгарликдан

халос қилинди", дея ёзилади "OIC Today" журналинда. Эътироф этилишича, ўлим ҳазосининг бекор қилиниши ҳамда "Хабес корпус"нинг жорий этилиши, яъни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан бевосита судларга ўтказилганлиги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мажмуида муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда судьялар санкция асосида айбдорнинг лавозимидан четлаштирилиши, шунингдек, шахснинг мажбурий равишда тиббиёт муассасасида жойлаштирилиши сингари йўналишларда мазкур институтининг қўлланилиши кенгаймоқда.

(Давоми 3-бетда).

СЕМИНАР

Пойтахтимизда "Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши — миллий ахборот маконининг жадал ривожланиши кафолати" мавзуйда марказий ҳамда ҳудудий ОАВда фаолият юритаётган журналистлар учун семинар ўтказилди.

Оммавий ахборот воситалари ривожининг муҳим кафолати

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ОАВнинг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, соҳа вакилларининг эркин фаолият юритишларида зарур шарт-шароит яратиш, мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларни кенг жамоатчиликка холис ва аниқ етказишда уларнинг маҳоратини ошириш каби муҳим масалалар қизғин муҳокама қилинди.

Тадбирда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, таҳрирларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасига бозор механизмлари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича қатор

(Давоми 2-бетда).



Сирдарё анори

Авваллари Сирдарё зироатчилиги ҳақида гап кетганда, албатта, Мирзачўл қовунлари тилга олинар эди. Бугун бу тушунча ўзгарди. Гап шундаки, эндиликда шу ерлик богбонлар ҳам анор етиштиришда қувалик, шерободлик ва дашнободлик машҳур соҳибкорлар билан бемалол беллашмоқдалар.

ИЗЛАНИШ

Вилоятнинг мураккаб иқлим ва ер шароитига мос анор кўчатларини ўстириш ташаббуси дастлаб Боёвут туманининг "Деҳқонобод" қишлоқ фуқаролар йиғинида бошланган бўлса, кейинчалик бу ҳайратлиқ ҳаракат Мирзачўл туманининг "Меҳнатобод" қишлоқ фуқаролари

йиғини ҳудудиди яшовчи аҳоли томорқаларига кўчди. Сўнгра шу туманининг Мирзачўл қишлоғи аҳли ҳовлиларида ҳам анорзорлар пайдо бўлди. Ҳозир эса Сирдарёнинг қайси туманида бўлманг, томорқаларда ҳосилдан шохлари ларзон анорзорларга дуч келасиз. Айниқ-

са, Боёвут, Мирзачўл ва Гулистон туманларида шундай хонадонлар борки, улардан ҳар бирининг томорқасида 100 тупгача анор ниҳоллари парваришланмоқда. Мирзачўл туманининг Деҳқонобод ва Янгийўл маҳаллаларидаги анорзорлар эса қарийб 120 гектардан зиёдни ташкил этади.

— Анор оиламизнинг қўшимча даромад манбаига айланган, — дейди Деҳқонобод маҳалласида яшовчи Абдуманнон Умаров. — Унинг икки нави — "Оқпўчок" ва "Қизилпўчок"ни танлаганимиз

бежиз эмас. Чунки ҳар бири серхосил, хуштаъм, харидордир.

Вилоятда анорзорлар барпо этиш билан кўплаб фермер хўжаликлари ҳам шуғулланаётгани эътиборга лойиқ. Бугун эса улар 1-2 гектар ерда пишиб етилган неъматларни маҳаллий бозорларда ва хорижга сотиш баробарида, уни қайта ишлаб, шифобахш шарбатлар тайёрлаш бўйича ҳам режалар тузишмоқда. Мирзачўл туманидаги "Меҳнатобод" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Содикжон Муҳамедовнинг айтишича, бу ерда шундай саноат объекти қуриш саъй-ҳаракатлари аллақачон бошлаб юборилган.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги раҳбарларининг эътибори ишлаб чиқариш ҳажмини ва экспортга етказиб бериладиган маҳсулот турларини кенгайтиришнинг мавжуд заҳираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш ишларини кучайтириш зарурлигига қаратилди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жағрафаси фаолиятини ташкил этиш ва тўлиқ фаолият қуритишини жадаллаштириш топширилди.

Мажлисда келгуси йилларда қурилишнинг ўсиб бораётган ҳажмини таъминлаш учун пудрат қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан қўриқлаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини ҳар томонлама кўриб чиқиш ва батафсил таҳлил қилишга диққат-эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш, намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиши тўғрисида кейинги йилларда қурилиш ишлари ҳажми жадал ўсиши таъминланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида қурилиш ишлари ҳажми ўтган йил-

нинг шу давридагига нисбатан 19,2 фоизга кўпайди.

“Давархитектурурилиш” кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига вилоятларда замонавий қурилиш техникаси билан жиҳозланган ихтисослаштирилган қурилиш пудрат ташкилотларини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг молиявий ҳолатини ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун республика Хукуматида қиритиш топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига Молия вазирлиги билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти самарадорлигини чуқур таҳлил қилиш асосида қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятининг аниқ нормативларини ишлаб чиққан ҳолда қишлоқда тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада яхшилаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига қиритиш вазифаси топширилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқлари, тураржой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг куз-қиш даврига тайёрлиги ҳолати, шунингдек, 2013/2014 йиллар куз-қиш даврига мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка фамлаш тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликлари, “Ўзбекэнерго”, “Ўзтрансгаз” компаниялари, “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамияти, шунингдек, бир қанча вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг эътибори иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва тураржой фонди объектлари 2013/2014 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор фаолият кўрсатишини, шу жумладан, газ-транспорт ва энергия таъминоти объектларининг барқарор ишлашини, табиий газ, кўмир ва электр энергиясини узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканлигига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмларда фамлашни тугаллашни тевлаштириш, шунингдек, ички бозорда улар нархининг асосий охири кетишига йўл қўймасдан аҳоли эҳтиёжини барқарор ва ишончли қондириш учун қиш-баҳор даврида сақлашга қўйилган заҳиранинг савдога тизимли қўйилишини таъминлаш топширилди.

Мажлисда йигим-терим бўйича қишлоқ хўжалиги ишларини тугаллаш, кузи бошоқли дон экинларини ўстириш ва кейинги йил ҳосили учун комплекс агротехника тадбирларини амалга ошириш ишларининг ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, жорий йилда сув билан боғлиқ шароитлар жуда мураккаб бўлганлигига қарамай, агротехника тадбирларининг барча мажмуини ўз вақтида ўтказиш, суғорма

сувдан оқилона фойдаланиш ҳамда қишлоқ меҳнатчиларининг омиқкорлиги жорий йилнинг 1 октябрга 1,97 млн. тонна пахта хом ашёсини етиштириш ва йиғиб олиш имконини берди, 21 октябрга келиб эса — пахта хом-ашёси бўйича давлат буюртмаси прогнози бажарилиши таъминланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли хўжалик бирлашмаларига пахта ҳосилини йиғиштириб олишни жадаллаштириш, кузи шудгорлаш, кузи бошоқли дон экинлари экиш ва уларни ўз вақтида суғориш, шунингдек, шўрланган ерларни ювиш, коллектор-дренаж ва суғориш тизимларини тозалаш, гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш тадбирларини амалга ошириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар қўриш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республикадаги йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Хўкумати мажлисига қиритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга ва келгуси йилда республика иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратишга доир аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎзА).

хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

■ Нукус шаҳридаги “Нукус-мироб” масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган технологик янгиланишлар натижа-сида ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар ортиб, ишчилар сони 42 нафарга етди.

Технологик янгиланишлар амалга оширилди

— Умумий қиймати 1 миллиард 150 миллион сўмлик мазкур лойиҳа тўғрисида 9 турдаги салқин ичимликлар тайёрланмоқда, — дейди корхона мута-саддиси Мамут Қаримов. — Маҳсулотимиз Қора-қалпоғистон Республи-каси ва Хоразм вило-

яти аҳолисига етказиб берилаяпти.

Умуман, Оролбўйи минтақасида жорий йилнинг ўтган ярми-да 461,4 миллиард сўмлик саноат маҳ-сулотлари ишлаб чиқарилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Бойсун туманидаги “Бойсун текс” хусусий корхонаси томонидан банкнинг 850 миллион сўмлик кредити эвазига харид қилинган тўқув дастгоҳлари ёрда-мида хариддор маҳсулотлар тайёрлана бошланди.

Маҳсулот хорижда ҳам сотилади

— Яқинда буюртмачилар билан 600 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик, — дейди тадбиркор Неъмат Абдуллаев. — Замонавий тўқув дастгоҳида йиғирилган иплардан эса сифатли мато тўқишни ҳам йўлга қўйдик. Бу маҳсулот таннар-хининг арзонлашувида хизмат қилмоқда. Эътиборли-си, хориждан келтирилган замонавий дастгоҳларни 12 нафар коллеж битирувчиси моҳирлик билан бошқармоқда. Эндиликда чеварларимиз қўлида жило топаётган маҳсулотнинг 50 фоизини экспортга йўналтириш тадбирларини кўраямиз.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Қарши шаҳрида “Тюнинг эксперт сервис” хусусий корхонаси томонидан автомашиналарга кенг қамровли техник хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга туширилди.

Автомобилларга техник хизмат

Бунинг учун 350 мил-лион сўм миқдорига банк кредити йўналтирилди. Ҳозир бу ерда коллеж битирувчилардан 20 на-фари меҳнат қилмоқда.

— Кейинги йилларда шахсий автомобиллар сони кўпайиб бораётган-ни халқимиз турмуш фа-ровонлиги тобора юкса-лаётганидан далолат бе-

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Зарафшон шаҳридаги “Зарафшон Караван” масъулияти чекланган жамияти томонидан 800 миллион сўм эвазига замонавий маросимлар ўтказиш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Истиқболли икки лойиҳа

Шунингдек, лойиҳа ташаббускори томонидан 117 минг АҚШ долларлик Германия технологияси асосида нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқари-ши цехи фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

— Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объект-ларида 64 киши доимий иш билан таъминланди, — дейди жамият раҳбари Ботир Мансуров. — Шу билан бирга, даромадимиз ҳам кескин ортди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАЛАБГА МОС ВА КЎРКАМ

Жиззах гиламлари хорижлик харидорларга ана шу жиҳати билан манзур бўлмоқда

Истиқбол йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлашти-риш, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада жойларда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми юқори суръатларда ўсиб бораётир.

Буни Жиззах вилояти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Айни пайтда воҳада хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони

54 тага етди. Бу, ўз навбатида, ҳудуднинг экспорт салоҳиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатаяпти.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Жиззах шаҳридаги “Евроазия карпет” кўшма корхонаси — шун-дай илғор ишлаб чиқариш субъект-ларидан бири. Ҳозир бу ерда йи-лига 2 миллион квадрат метрга яқин гилам ва гилам маҳсулотла-ри, 1 минг 260 тоннадан ортиқ по-липропилен ип тайёрланаёпти. Амалга оширилган технологик ян-гиланишлар тўғрисида кейинги уч йилда корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар орт-ди. Германия, Бельгия, Франция давлатларидан келтирилган замо-навий технологиялар юқори сифат ва самарадорлик омили бўлди.

Пировардида маҳсулотлар нафақат маҳаллий бозорда, балки хорижда ҳам ўз ўрнини топиб улгурди. — 2005 йилда фаолият бошла-гандик, — дейди кўшма корхона раҳбари Улуғбек Мансуров. — Ўтган даврда бу ерда 5 марта мо-дернизациялаш ишлари олиб бо-рилди. Хусусан, 2012 йил охирида қиймати 1 миллион 909 минг еврога тенг бўлган инновацион лойиҳани рўёбга чиқариб, Бельгия давлатидан 2 дона энг сўнгги русумдаги тўқув дастгоҳи олиб кели-либ ўрнатдик. Шу тариқа корхона қуввати 20 фоизга ошди ва гилам-



ларнинг янги турларини ишлаб чи-қариш ўзлаштирилди. Жорий йил-нинг ўтган даврида 11 миллиард 324 миллион сўмлик маҳсулотлар сотилиб, шундан 1 миллион дол-ларга яқин қисми хорижий давлат-ларга экспорт қилинди. Йил яку-нигача экспорт ҳажмини 1,6 мил-лион АҚШ долларига етказишни режалаштираёғимиз.

Дарвоқе, маҳсулотлар таннархи-ни арзонлаштириш орқали унинг рақобатбардошлигини ошириш — саноатда синалган усул. Шундан келиб чиқиб, бу йил корхонада қиймати 2 миллион еврога тенг яна бир лойиҳа рўёбга чиқарила-ётир. Унга мувофиқ, йилга 3 минг тонна полипропилен ип ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Пировардида корхонанинг мазкур хом ашёга бўлган талаби тўлиқ қопланиб, тайёр маҳсулотлар таннархи сезиларли даражада ка-маяди. Айни пайтда зарур усул ва дастгоҳлар буюртма асосида Германиянинг йирик компанияла-рида тайёрланаёпти. Бунинг учун банкнинг 1 миллион 424 минг евро миқдоридagi имтиёзли кредити ҳам йўналтирилган. Келгуси йил-нинг 2-чорагида ишга тушиши мўжжалланаётган қўшимча қувват учун шу кунларда корхонада янги иншоотлар қурилмоқда.

— Маҳсулотнинг харидорғир бўлишида унинг дизайни алоҳида ўрин тутаяди, — дейди техноло-г Диёр Тўраев. — Шу сабабли ҳар бир буюртмачи талабидан келиб чиқиб, ўзига хос безак ва нақшлар яратишга ҳаракат қилаёғимиз. Бу борада тажрибали дизайнерлар билан бирга, изланувчан ёшлар кучи-га таянаётганимиз ўз самараси-ни бермоқда. Яъни янги-янги мо-деллар асосида ишлаб чиқарила-ётган гиламлар харидорлар сонин-г кўпайишига хизмат қилаёпти.

Дарҳақиқат, босқичма-босқич амалга оширилаётган модерниз-ациялаш ишлари ва янги қувватлар-нинг ишга туширилиши натижаси-да “Евроазия карпет”нинг қуввати йил сайин ортиб бораёпти. Сақиз йил муқаддам 4 нафар ишчи билан фаолият бошланган корхонада бугун 120 нафар ишчи-ҳодим меҳ-нат қилаётгани, қолаверса, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларга жа-ҳоннинг турли мамлакатларидан кўп-лаб буюртмалар келиб тушаётгани сўзимизнинг яққол тасдиғидир. Зеро, интилиш ва та-шаббус тараққийёт пойдеворидир.

Улуғбек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ботир ҚУДРАТОВ олган суратлар.



Қисқа сатрларда

● Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлашти-риш, монополиядан чиқариш ва ра-

қобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш-га бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш борасида кўмига томонидан амалга оширила-ётган ишлар хусусида сўз борди.

● Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телеком-муникация технологиялари давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси радиостатоталар бўйича Давлат комиссияси, “Unicon.UZ” давлат уни-тар корхонаси, Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамда “Электромангнит мослашув маркази” давлат уни-тар корхонаси ҳамкорлигида “Электромангнит мослашув ва хавфсизлик” мавзусида республика илмий-техник семинари ташкил этилди. Унда манфаатдор вазирлик, идора ва компаниялар вакиллари қатнашди.

● Андижон шаҳридаги “Камолот” боғида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари аънанавий фести-вали бўлиб ўтди. “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида

уюштирилган ушбу тадбирда вило-ятдаги туман ва шаҳарларнинг бадиий жамоалари, цирк усталари ҳамда дорбозлар гуруҳлари ишти-рок этди.

● Самарқанд шаҳрида якунига етган Зулфия номидаги Давлат мусофотига номзодлар кўрик-танловининг вилоят босқичида юз нафардан ортиқ киз беш йўналиш бўйича ўзининг истеъдод ва маҳоратини намойиш қилди. Нуфузли хайъат аъзолари қарорига кўра, йўналишлар бўйича голиблар номи аниқланиб, уларга танловнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Йод — саломатлигимизни таъминловчи зарур микроэлементлардан бири. У инсон организмнинг нормал ўсиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутаяди. Хусусан, қалқонсимон безнинг меъъерий фаолияти танамиздаги йод миқдори билан chambарчас боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда йод етишмаслиги касалликларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йодланган ош тузи саломатлик учун ниҳоятда фойдалидир

Бунда 2007 йилда қабул қилинган “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилояти эндокри-нологлари томонидан йод танқислиги касалликларининг олдини олиш, хасталиклари барвақт аниқлаш борасида эътиборли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, жор-ий йил бошидан буён ҳудуд аҳолисининг қарийб 345 минг нафари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, 16422 нафар кишида қалқон-

симон без касалликлари мав-жудлиги аниқланди ва улар-ни соғломлаштириш чорала-ри кўрилди. Пировардида кейинги бир йил давомида вилоятда диффуз бўқоқнинг 1-даражаси 39,1, 2-даража-си 26,9 фоиз, қалқонсимон без касалликлари эса 41 фоиз камайишига эришилди.

Мутахассисларнинг таъ-кидлашича, инсон умри да-вомида бор-йўғи 3-5 грамм миқдориди йод истеъмол қилар экан. Бошқача айтган-да, соғлом бўлиш учун орга-низм ҳар кун граммнинг миллиондан бир улусида тар-бўлса-да, йод қабул қилиб туриши лозим.

Ош тузини йодлаш — йод танқислиги касалликларининг олдини олишда энг самарали профилактик чора-дир. Шундай экан, “Мазкур кундалик истеъмол маҳсуло-ти етарли миқдорда йод моддаси билан бойитилаяп-тими?” деган ҳақли савол туғилади.

Бунга жавоб топиш учун Фарғона вилояти давлат са-натрия-эпидемиология на-зорат маркази ходимлари 2012 йилда 2056 та ош тузи намунасидаги йод миқдори-ни текшириб чиқишганди. Бу жараёнда 799 та намуна тар-кибида йод миқдори меъё-ридан камлиги аниқланиб,

5500 килограмм ош тузи исте-ъёмолдан чиқарилган ва қайта ишлашга юборилган эди. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида эса 1148 та ош тузи намунасида 295 та-сида йод миқдори белгилан-ган даражада эмаслиги қайд этилди. Пировардида 7751 килограмм ош тузи истеъмолдан чиқарилиб, қайта ишлаш учун жўнатилди. Жумладан, бундай ҳолатлар, асосан, Қўштепа тумани, Қувасой ва Фарғона шаҳар-лари дивизиона тўғри келди.

Албатта, ҳар бир инсон ўз саломатлиги учун, энг авва-ло, ўзи масъул. Шундай экан, ҳамюртларимиз савдо шохобчаларида йодланган ош тузини харид қилишдан илгари сотувчидан маҳсулот сифатини кафолатловчи гигиеник ва мувофиқлик сер-тификатини сўраб, унинг сақланиш ҳолатига эътибор берсалар, ўзлари ва оила аъзоларининг соғлигини му-ҳофаза қилган бўлар эдилар. Зеро, саломатлик бебаҳо бойликдир!

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

уларнинг ахборот олиш-га оид конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёб-га чиқаришда муҳим ўрин тутаяди. Шу маъно-да айтганда, бугун вилоятимизда ОАВнинг иқтисодий мустақилли-гини таъминлаш, журна-лист кадрларни қайта тайёрлаш, айниқса, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш масаласига

Оммавий ахборот воситалари ривожининг муҳим кафолати

алоҳида эътибор қара-тиляпти. Фонд томони-дан тахририятимизнинг қўллаб-қувватланиши газетамизни сифатли чоп этишга ва шу орқали ўқувчиларимиз хоҳиши ва истаklarини амалга оширишга ёрдам бериши, шуб-ҳасиз.

Семинарда, шунинг-дек, соҳа вакилларининг юртимизда кучли фуқаро-лик жамиятини шакл-лантиришдаги иштиро-кини таъминлаш, журна-листнинг фуқаролик позицияси ва касбий фаолиятини янада такомиллаштириш, уларда та-нқидий - таҳлилий фикрлашни чуқурлашти-риш, ижодий фаолияти-га янгила ёндашувларни жорий этиш зарурати-га ҳам тўхталиб ўтилди.

— Ўтказилган тадбир-да жамоатчиликни дав-лат ҳокимияти органла-ри фаолияти тўғрисида хабардор этишда ОАВ-нинг ўрни ва вазифала-рига ҳам эътибор қара-тилди, — дейди “Шовот истиқболи” газетаси муҳаррири Махбира Абдалова. — Бу эса соҳа ходимларига катта масъулият юклайди. Шу боис келгусида газетамиз саҳифаларида дол-зарб мавзудаги мақола-ларни янада кўпайти-ришни мақсад қилаяп-миз. Бунда, албатта, се-минар давомида олган билим ва кўникмалари-миз бизга кўп келади.

Тадбир якунида Ўзбе-кистон Мустақил босма оммавий ахборот воси-талари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлан-тириш жамоат фонди томонидан “Босма оммавий ахборот воси-талари тахририятлари-нинг моддий-техник ба-засини ривожлантириш” лойиҳасида иштирок эт-ган 30 га яқин ҳудудий босма ОАВ тахририят-ларига зарур техника воситалари берилди.

Зиёда АШУРОВА.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Голландиянинг электроника ва тиббий техника воситалари ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур "Philips" концерни жорий йилнинг учинчи чорагида 281 миллион евро миқдорда соф фойда олишга эришди.

Даромади ошди



"Reuters" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, бу сал аввалроқ иқтисодий таҳлилчилар тахмин қилганидан 72 миллион еврога кўп. Қолаверса, ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан қийслаганда ҳам концерн натижалари қарийб уч баробар ўсган. Яъни 2012 йилнинг июль — сентябрь ойларида "Philips" 105 миллион евро ҳажмида фойда кўрган эди. Ушбу муваффақиятларда концерн томонидан икки йилдан буюн амалга оширилаётган бизнесни ислоҳ қилиш дастури муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланмоқда.

Тахмин тасдиқланмади

Сентябрь ойида Японияда экспорт ҳажми 11,5 фоиз ўсди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.

Аммо бу кўрсаткич экспортлар кутганидан сезиларли даражада паст. Чунки аввалроқ тўққизинчи ой якуни бўйича "Кунчиқар юрт"да экспорт ҳажми 15,6 фоизга ортади, деган тахминлар илгари сурилганди.

Ёнғин кўлами кенгаймоқда

Австралиянинг жануби-шарқий ҳудудларида қузатилаётган ўрмон ёнғинларини бартараф этиш ишлари анча қийин кечаётди.



Вазият, айниқса, Янги Жанубий Уэльс штатида жиддий тус олган. Сешанба куни тонгда бу ерда 60 дан ортиқ ёнғин ўчоқлари мавжудлиги аниқланди. Табиий офат тарқалишининг олдини олишга мингдан зиёд ўт ўчириш хизмати ходимлари жалб этилган. Уларга авиация тизими вакиллари ва кўнгиллилар яқиндан кўмаклашишарди. Қалтис ҳудудлардан минглаб одамлар эвакуация қилинди.

Мамлакатнинг йирик шаҳарларидан бири — Сидней атрофида ҳам фавқуллода ҳолат ҳукм сурмоқда.

Таълим даргоҳидаги фожиа

Невада штати (АҚШ)нинг Спаркс шаҳридаги мактаблардан бирида фожиа рўй берди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, таълим даргоҳида таҳсил оладиган ўқувчилардан бири (исми ошкор этилмаган) қуролдан ўқ узиб, икки нафар тенгқурини яралаган, бир нафар ўқитувчининг умрига зомин бўлган. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Қотил шундан сўнг ўзини ҳам нобуд қилган. Ҳаётдан кўз юмган педагог математика фани ўқитувчиси Майкл Лендсберри экани айтилмоқда. У қуролланган боланинг йўлига тўғаноқ бўлишга уринган чоғида ҳалокатга йўлиққан.

Мактаб шу ҳафта охиригача ёпилди. Фожиа сабаблари ўрганилаяпти.

Поезд бекатда тўхтамади

Аргентина пойтахтида шаҳар атрофи йўналиши бўйича ҳаракатланувчи электропоезд катта тезлик билан Онсе станцияси биносига урилди.

Натижада бир неча вагон рельсдан чиқиб кетди. Қарийб юз киши жароҳатланди, қурбонлар йўқ. Поезд машинисти шифохонага ётқизилган. Айрим йўловчиларнинг тахмин қилишича, у ҳаракат вақтида ухлаб қолган бўлиши мумкин. Чунки поезд йўналиш давомида битта бекатдан тўхтамасдан ўтиб кетган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Хорижий тилларни пухта ўрганиш ёш авлод камолотида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимиз таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бунда ўқув машғулотлари илғор педагогик технологиялар, замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалари асосида ташкил этилаётгани, тизимга малакали кадрлар жалб қилинаётгани юқори самара бераёпти.

Ўқитишнинг илғор услуби

таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда



Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг жаҳон-

даги илм-фан ютуқлари, дунё ахборот-ресурсларидан самарали фойдаланишлари учун кенг имконият яратилмоқда.

Бугунги кунда эса Хоразм вилоятида 531 таълим муассасасида ёшларга инглиз, немис, француз, испан тиллари чуқур ўргатилаёпти.

Ўтган уч йил давомида хорижий тиллар ўқитувчиларидан 1528 нафари малака ошириш курсларида тажриба орттирди.

Вилоятдаги мактабларга эса ўқувчиларнинг инглиз, немис, француз тилларидаги методик қўлланма ва мультимедиа дисклари, шунингдек, ота-оналар учун мўлжалланган хорижий тилларни

ўрганиш бўйича китобчалар ҳам етказиб берилди.

Айниқса, Органч шаҳридаги 3-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида болаларга чет тилларни ўргатиш борасида етарли тажриба тўпланганини таъкидлаш жоиз. Ўтган йилдан бошлаб биринчи синф ўқувчиларига ҳам тажриба тарихида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида инглиз тилини ўргатиш бошлаб юборилди. Ҳозир мактабда инглиз тили бўйича 16 та тўғарақда 400 нафар ўқувчи шуғулланмоқда. Таълим сифатини ошириш мақсадида ўқитувчилар ўртасида мунтазам кўрик-танловлар ўтказилаёпти. Бинобарин, бу ерда ҳар шаба — инглиз тили куни, деб белгиланган. Ҳадемай, мактабда инглиз тили бўйича иккита лингвафон хонаси ташкил этиш мўлжалланаётди.

Мухтасар айтганда, бугун юртимизнинг батиёр фарзандлари изчил амалга оширилаётган ислохотлар самарасидан баҳраманд бўлиб улғаймоқдалар. Бу эса келажагимиз ишончли кўлларда эканлигининг яна бир ёрқин далилидир.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Оилавий корхона ибрати

Янгиқўрғон туманидаги "Шарқ юлдузи замин гавҳари" оилавий корхонаси банк кредити эвазига ишлаб чиқаришни модернизациялаш тадбирларини амалга оширди.

КИЧИК БИЗНЕС

— Айни пайтда ўрнатилган замонавий тикув дастгоҳлари ҳисобига имкониятларимиз анча кенгайди, — дейди тадбиркор Ҳабиба Отахонова. —

Жумладан, корхонада меҳнат қилаётган оиланинг беш нафар аъзоси ёнига 10 нафар чевар қиз ҳам қўшилди. Ҳозир тўй сарполари сирасига кирувчи кўрпа-тўшак, ёстик ва бошқа ашёларни тикаялмиз. Миллиийлик ва замонавий анъаналар уйғунлигида тайёрланиб, алоҳида дизайнли бежи-

рим халтачаларга жойланган ҳолда сотувга чиқараётган маҳсулотларимизга талаб тобора ортиб бормоқда.

Мазкур оилавий тадбиркорлик жамоаси жорий йилнинг ўтган даврида истеъмол бозорига 300 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот чиқарди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

UZBEKISTAN Infrastructure 12-14 noyabr 2013 «O'zbekspomarkaz», Toshkent

Avtomobil, butlovchi qismlar, servis jihozlari
9-O'zbekiston xalqaro ko'rgazmasi

Transport va logistika
10-O'zbekiston xalqaro ko'rgazmasi

Yo'l qurilishi va kommunal texnika
5-O'zbekiston xalqaro ko'rgazmasi

ITE Uzbekistan Tel.: (+998 71) 113-01-80. Faks: (+998 71) 237-22-72. facebook.com/ITEUzbekistan.uz E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

САНОАТ КОРХОНАСИ

4 — 6-разрядли электромонтажчиларни, 4 — 6-разрядли электрикларни доимий ишга таклиф қилади.

Иш ҳақи — 2 млн. сўмдан юқори.

Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади. Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади.

Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

Мулоқот учун телефонлар: (8-371) 241-10-81, (+99890) 929-55-97, (+99890) 167-17-58.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2012 йил 29 августдаги 1-549/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-квартал, Арнасой кўчаси, 36-уй, 1-хонадонда жойлашган нотураржой.

Бошланғич баҳоси — 88 585 699,75 сўм.

2013 йил 12 ноябрь куни соат 11.00 да очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан арзонлаштирилган нархларда тақдоран қўйилган:

1. ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор тумани судининг 2012 йил 10 майдаги 1-74/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шожоҳон кўчасида жойлашган, умумий майдони 92,0 кв.м., фойдаланиш майдони 79,5 кв.м. бўлган бир қаватли 13, 14, 15, 16, 17, 18-сонли олтига савдо дўкони.

Бошланғич баҳоси — 85 805 573, 751 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача **232-11-15, 236-09-25.** E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар «OIC Today» журнали нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мақолада қайд этилганидек, 2010 йили қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, Ўзбекистонда айрим жиноят турларини Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўтказиш йўли билан Жиноят кодексини янада декриминализациялаш амалга оширилаётди.

Шунингдек, нашрда мазкур Концепцияда "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш айна зарурат эканлигига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам таъ-

кидланади: "Ушбу Қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилгандир".

Ўқоридагилардан ташқари, мазкур мақолада суд тизимидаги кадрлар салоҳиятини такомиллаштириш, судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳақидаги атрофлича маълумотлар ҳам журнал ўқувчилари эътиборига ҳавола қилинган.

«Жаҳон» АА. Қулопа-Лумпура

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

2014 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилар институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

08.00.01 — Иқтисодиёт назарияси
08.00.02 — Макроиктисодиёт
08.00.03 — Саноат иқтисодиёти
08.00.05 — Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
08.00.06 — Эконометрика ва статистика
08.00.07 — Молия ва кредит
08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби
08.00.10 — Демография. Меҳнат иқтисодиёти
08.00.11 — Маркетинг
08.00.13 — Менежмент

Ҳужжатлар 2013 йил 15 ноябргача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни университетнинг илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимидан олиш мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй.
Телефонлар: (8-371) 232-65-42, 232-61-77, 232-64-29.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

қуйидаги йўналишлар бўйича 2014 йилга катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қабул эълон қилади:

01.01.01 — Математик анализ.
01.01.05 — Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика.

Ҳужжатлар 2013 йил 15 ноябргача қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй.
Телефонлар: (8-371) 262-73-57, 262-75-44.

Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорати ҳамда бирлашган касба уюшмаси қўмитаси Геодезия ва кадастр кафедраси доценти **Рисматилла ЕШБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



МАЪРИФАТ ЭЪЗОЗИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айтиш жоизки, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ёшларимизнинг янги марраларни забт этишлари ҳамда иқтидор ва истеъдодини янада кенг намоён қилишларида маънавий қувват беради, тафаккурларини ёритида. Бу ерда ёш авлоднинг билим ва дунёқаролини кенгайтириш, бундан мазмунли ташкил этиш учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Жумладан, ҳозирги кунга келиб, кутубхона фон-

ди 6,5 миллиондан зиёд нусхага етди. Қолаверса, у 19,4 минг босма ва 304 минг электрон нусхадаги янги адабиётлар билан бойитилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ҳаётга изчил жорий этилиши бугун ахборот-кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ қилиш, илғор иш тажрибасини оммалаштиришда муҳим омили бўлмоқда. Айни пайтда нодир адабиётларнинг электрон муқобили яратилиб, каталоглари тузиб чиқилди.

Миллий кутубхонада ўқувчи-ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологияларига оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида турли кечалар, давра суҳбатлари, халқаро анжуманлар ўтказиб келинапти. Бу ерда ўзбек мумтоз ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан тортиб, энциклопедиялар, лугатлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, бадий адабиёт ва ўлкашунослик бўйича энг ноёб нашрлар жамланган.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда ёш авлод маънавияти, ақлзаковати, салоҳиятини юксалтириш, қисқача айтилганда, уларни комил инсонлар қилиб вояга етказиш — энг устувор мақсад эканлигининг яна бир яққол тасдиғидир.

Алишер ИШМАТОВ,
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
директори ўринбосари.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Сирдарё анори

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Анор меваси нафақат хуштаъм, балки минг дардга даво, — дейди Мирзаобод туманидаги Янгийўл маҳалласида истикомат қилувчи боғбон Абдуҷаббор Холбоев. — Шу боис бутун дунёда унинг харидорлари кўп. Бироқ Сирдарё анорларини харид қилиш мақсадида Жанубий Корея, Германия ва бошқа кўплаб мамлакатлардан буюртмалар ташвётганининг боиси нима-

да, биласизми? Сабаби, у — ниҳоятда ширин, табиий, замонавий тилда айтганда, юз физик экологик тоза ва тенги йўқ маҳсулот. Шак-шубҳасиз, яқин йилларда анорларимизни сотиб олиш учун навбатда турадиگانларнинг сон-саногини бўлмайди.

Бу гапларда муболага йўқ. Нега деганда, бугун Сирдарё бозорларида анорнинг кўплаб навларини учратасиз. Айримлари чоққина чойнак билан бўйлашса, кирмизи анор-

лар вилоят аҳли дастурхонининг безағига айланган. Заминимизда боғбонларимизнинг қалб кўри, юрак меҳри ва фидокорона меҳнати билан етиштирилган ана шу нәматлар истиқболда ҳар бир хонадонга даромад келтириш баробарида, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади. Бунга ишончимиз комил.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳал қилувчи баҳслар арафасида

Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида бокс бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатида нимчорак финал баҳслари яқунланди. Ушбу босқичда ҳамюртларимиздан уч нафари галаба қозониб, медаллар учун курашни давом эттирадиган бўлди.

Вазни 64 кг.гача бўлган мусобақада Ватанимиз шарафини химоя қилаётган Санжарбек Раҳмонов жазаирлик Абдулқодир Чади билан баҳсда муваффақиятга эришган бўлса, 75 кг. вазн тоифасида Азизбек Абдуғофуров сербиялик Александр Дреновакни катта устунлик билан енгди. Оғирлик вазни 91 кг.гача бўлган "чарм қўлқоп" устаси — истеъдодли боксчимиз Рустам Тўлаганов қозоғистонлик Антон Пинчунки мағлубиятга учратди. Фақатгина 49 кг. вазн тоифаси-

да Ҳасанбой Дўсматов қозоғистонлик Биржан Жакиповга ютқазиб қўйди. Кеча, шунингдек, -52 кг. вазнда Жасурбек Латипов/Нарек Абгарян (Арманистон), -60 кг. вазнда Фазлиддин Фойибназаров/Лазаро Эстрада (Куба), -81 кг. вазнда Ойбек Мамазулунов/Жамол Бошчак (Баҳрайн), +91 кг. вазнда Мирзохиджон Абдуллаев/Филипп Хргович (Хорватия) каби боксчилар ўртасида нимчорак финал учрашувлари бўлиб ўтди.

Бирлашган Араб Амирликларида давом этаётган футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги XV жаҳон чемпионати ўзининг қизғин палласига кириб бормоқда. Ҳозиргача мусобақанинг 2-тур учрашувлари яқунланди.



Футболчиларимиз нимчорак финалга яқин

Мундиалда Осиё чемпиони сифатида қатнашаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси дастлабки беллашувни Панама мамлакатидан келган тенгурларига қарши ўтказиб, 2:0 ҳисобида галаба қозонди. Шохжаҳон Аббосов ва Рустам Ашурматовнинг голлари Дилшод Нуралиев шогирдларига муҳим галабани келтирди. "С" гуруҳидаги иккинчи баҳсда юртдошларимиз Марокаш футболчилари билан майдонда куч сынашди. Жаҳон чемпионатида энг кўп — 14 нафар легионер жамланган Африка

қитъаси вакили ўйинда устунлик қилган бўлса-да, химояда ушқоқлик билан ҳаракатланган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўзи учун қониқарли натижани қайд эта олди: учрашув 0:0 ҳисобида туғди. Икки ўйиндан кейин Марокаш ва Ўзбекистон футболчилари 4 очкодан жамғариб, кейинги босқичга чиқиш учун қулай имкониятга эга бўлиб туришибди. Тўларли нисбати бўйича юртдошларимиз гуруҳда иккинчи поғонадан жой олган. Панамалик ўсмирларни 1:0 ҳисобида

мағлубиятга учратган хорватиялик футболчилар 3 очкони қўлга киритиб, 3-ўринни банд этган. Дилшод Нуралиев шогирдлари 24 октябрда ўтадиган навбатдаги беллашувда Европа вакилига қарши баҳс олиб боради.

Мусобақанинг иккинчи тури яқунларига кўра, Бразилия, Италия, Япония, Тунис ўсмирлар терма жамоалари нимчорак финал йўлланмасини муддатидан аввал қўлга киритдилар.

Суннатилла ИСЛОМОВ
тайёрлади.

Ёш тadbиркор муваффақияти

Паркентлик Гулбаҳор Рухитдинова бундан сал аввалроқ "Ёш тadbиркор — юртга мададкор" кўрик-танловида голиб чиқиб, тижорат банкининг имтиёзли кредитини қўлга киритган эди.

ИНТИЛИШ

Ана шу рағбат туфайли у ўзининг "Баҳор илхомлари" номили тикувчилик цехи фаолиятини йўлга қўйди. — Банкининг молиявий кўмаги билан янги тикувчилик ускуналари харид қилдик. — дейди ёш тadbиркор. — Корхонамизда иш билан таъминланган чеварларнинг ҳаммаси ўзим каби коллеж битирувчиларидир. Болалар ва катталар учун мўлжалланган замонавий андозадаги либосларимиз анча хариддоргир бўлиб қолди.

Таъкидлаш лозимки, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ҳамда молия муассасалари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танлов пойтахт вилоятилик ўнга яқин йилгит-қизнинг бизнес лойиҳалари рўйи учун кенг йўл очди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Реклама ва эълонлар •

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ишдан ажралган ҳолда 2014 йилга куйидаги мутахассисликлар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади.

КАТТА ИЛМий ХОДИМЛАР-ИЗЛАНУВЧИЛАР:

- 10.00.03 — Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси.
 - 10.00.05 — Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти.
 - 10.00.07 — Қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштирма тилшунослик, лингвистик таржимашунослик.
- Катта илмий ходимлар-изланувчилар қуйидаги танловлар бўйича кириш имтиҳонларини топширадilar:
- мутахассислик;
 - фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси;
 - Ўзбекистон тарихи;
 - чет тили.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК:

- 10.00.03 — Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9А мавзеси, 21-уй, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, таржима назарияси ва амалиёти факультети, 1-қават, 7-хона, илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.

Телефонлар: (+99871) 275-89-48, 275-55-57.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар такроран қуйилмоқда:

1. Учтепа тумани СИБ томонидан 2012 йил 5 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Катта Хирмонтепа (собик Сегизбаев) кўчасидаги 1-уй.
Бошланғич баҳоси — 4 197 112 739,61 сўм.
2. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2013 йил 2 майдаги 47613/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қориниёзий кўчаси, 10/1-уйдаги 30-хонадон.
Бошланғич баҳоси — 436 891 003 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 7 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
3. Зангиота тумани СИБ томонидан 9236/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бўзсув» ҚФЙ, Амир Темур кўчасидаги 80-уй.
Бошланғич баҳоси — 305 266 000 сўм.
4. Зангиота тумани СИБ томонидан 11242-43/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эркин» ҚФЙдаги уй.
Бошланғич баҳоси — 37 002 000 сўм.
5. Зангиота тумани СИБ томонидан 7463/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Хонобод» ҚФЙ., Тутузк кўчасидаги 5-уй.
Бошланғич баҳоси — 297 636 484 сўм.
Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган:
6. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқбўйи кўчаси, 6-уйда жойлашган шағални қайта ишлаш заводлари бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 3 618 621 384 сўм.
7. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқбўйи кўчаси, 7-уйда жойлашган шағални қайта ишлаш заводлари бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 497 751 280 сўм.
8. Тошкент вилояти, Қўйраб тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган шағални қайта ишлаш заводлари бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 1 083 257 243 сўм.
9. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-квартал, 6/1-уйда жойлашган клиника бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 2 117 148 617 сўм.
10. Тошкент вилояти, Қўйраб тумани, «Оққавок» ҚФЙда жойлашган бино-иншоотлар.
Бошланғич баҳоси — 132 700 869 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридеги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885.

Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон.
Телефон: (8-371) 212-89-55.

Лицензия: RR-0052.

NEW HOLLAND CONSTRUCTION

E 215 B

B 90 B

FIAT INDUSTRIAL

Махсулот сертификатланган.

Tel.: (+99871) 120-74-50, (+99890) 370-77-88. Fax (+99871) 120-73-55.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуничилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 496 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳфаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100080,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтборсаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.10 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5